

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish  
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

## ТАЛАБАЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Жумаев Абдилхаким Турдиевич**  
**ЧДПУ Жисмоний маданият ва спорт кафедраси**  
**катта ўқитувчиси**  
**Умарова Одинахон**  
**Талаба**

**Аннотация:** Мақолада талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда кластер методидан фойдаланиш масалалари хақида фикр юритилди.

**Калит сўзлар:** миллий ғуур, милий тарбия, ифтихор, миллатининг тақдири, моддий-маънавий мерос. Спорт маданият узвийлик алоқадорлик

Ўзбекистон Республикаси кейинги йилларда таълим соҳасини ислоҳ этишда жуда улкан ишларни амалга оширмоқда. Хусусан таълим тизимимизнинг юксак бўғини олий таълим бўғинида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Замонавий педагогик технологияларни дарс ва дарсдан ташқари фаолиятга кенг имкониятлар асосида татбиқ этишга ахамият берилди. Барчага маълум таълим истемолчилари асосан талаба ҳисобланади. Таълимни олиб боришда талаба ўзининг туғилган жойини муқаддас билса ва ўз хизматини фидоийларча бажарса шундагина фахрланиш хиссини унда барқарор ривожланишини қўроламиз. Бу вазифаларни бажаришда олий таълим муассасалари талabalарида миллий ифтихор туйғусининг шакллантиришда кластер методидан фойдаланиш жараёнида аниқлаш учун аввало бу тушунчанинг моҳиятини англаб олиш талаб этилади. Шу сабабли унинг манбаларда ёритиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида талabalарда миллий ифтихор туйғусининг шакллантиришда кластер методидан фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам берувчи мезонларни яратишга уриниб қўрамиз.

Талабада айнан қўйдагиларни юртимиз олимлари А.Иброҳимов, Х.Султонов ва Н. «шахс ғуури – бу фахр», «миллий ғуур – бу ифтихор» тушунчаси сифатида бўлиб, улар гарчи бир-бирларига яқин маъноларни англатсада, бир вақтнинг ўзида бир-биридан маълум даражада фарқланувчи тушунчалар эканлиги таъкидланган. Бу ўринда муаллифлар қўйидаги фикрни илгари сурадилар: «Миллий ифтихор миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли

## Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

равиша ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли рухий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон-қариндошлиқ, тил, маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакилларининг қалбидан чукур ўрин олади».

«Миллий ифтихор туйғуси – ўз миллий мансублигидан фахрланиш имкониятидир. Миллий ифтихор туйғуси ўз миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ғуурланиш имконияти. Миллий ифтихор туйғуси – ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этувчи қудратли куч» сифатида ҳам кўрилади .

Мустақиллик кишилар миллий ғууруни ошириб, уни халқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидағи масъулиятни ҳис қилишдек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда ўзбек халқининг мустақиллигидан фахрланиш, жамиятда озод, фаровон ва эркин ҳаётни яратиш йўлида меҳнат қилиш, фаоллик кўрсатиш, жаҳон ҳамжамияти томонидан илм-фан, техника ютуқлари, илгор технологиялардан фойдаланиш миллий ифтихор туйғусини шакллантирадиган, ривожлантирадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини белгилайди, уларни соғлом миллий ғуур, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади. Бу сафарбарлик ва миллий ифтихорни ўсиб келаётган ёш авлодда қарор топтириш учун олий таълим тизими катта имкониятларга эга. Чунки бугунги кунда ушбу масканларда ўзбек халқининг ўтмиши, аждодларнинг бой маънавий мероси, бугунги бунёдкорлик фаолияти кенг кўламда ўргатилмоқда.

Миллий ифтихор туйғуси миллий мансубликни чукур англаш, уни эъзозлашга маънавий-рухий жиҳатдан келиб чиқсан эҳтиёж маҳсулидир. Миллий ифтихор, энг аввало, ўзлигини англаш, миллий равнақни таъминлаш йўлидаги хатти-харакат, ўз миллати истиқболи олдида масъулликнинг бекиёс намунасидир. Миллий ифтихор туйғусига эга бўлган ҳар бир киши ўз миллати ўтмишини яхши билган, қадрлай олган ва айни пайтда уни янгича шароитлар, ҳолатларда бойитиб борадиган баркамол шахсадир. Шу билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлод бошқа миллатлар миллий анъаналари, санъати ва маданиятини ҳурмат қилиш қобилияти, уларни англаш салоҳиятига эга бўлмоғи лозим. Талабаларда миллий ифтихорни шакллантиришда кластер методидан фойдаланиш улар онгига миллат тақдири, бугуни ва эртанги кунига ишонч, у томонидан яратилган маданиятдан фахрланиш, уни асраш ва бойитиш йўлида меҳнат қилиш ғояларини сингдиришдан иборат.

**Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish  
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari**

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – Б. 7, 534.
2. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади // Тошкент: Ўзбекистон. 2019. – Б. 372.
3. Куронов М.«Таҳдид ва ёшлар тарбияси»// Тошкент. 2008. – Б.
4. Таджиметов Ш.А.«Ёшларни миллий ифтихор ғоялари, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш – хуқуқбузарликларнинг олдини олиш воситаси» Хуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари ИИВ Академияси. Тошкент. 2019. – Б.250-254.
5. Mukhammedovich, Jurayev Vokhidjon. "Psychological Foundations of Willpower in the Formation of Competition Motivation in Athletes." Central asian journal of literature, philosophy and culture 3.11 (2022): 315-318.
6. Jurayev, Vohidjon. "SPORTCHINING FAOLIYAT SAMARADORLIGIDA DA'VOGARLIK DARAJASI AHAMIYATINI EMPIRIK NATIJALARI TAHLILI." Science and innovation in the education system 2.7 (2023): 106-112.
7. Makhmudovich, Gafurov Abdushokir. "Medical problems of sports selection and sports orientation." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 313-318.
8. Abduvalievich, Abdullaev Rustamjon. "NECESSARY FORMATION OF COMPLEX COMPETENCE SAFETY OF TOURIST SERVICES DURING THE DEVELOPMENT OF A STRUCTURAL-FUNCTIONAL MODEL." Science and Innovation 2.2 (2023): 261-264.
9. Abdullabullaev, R. "BASES OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL SUPPORT OF THE PROCESS OF FORMATION OF SPECIAL TOURIST KNOWLEDGE, ABILITIES AND SKILLS." Science and innovation 2.B3 (2023): 122-123.
10. Tokhirzhonovich, Arabboev Kakhramon. "The effect of physical activity on the body of schoolchildren in physical education lessons." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.12 (2023): 112-115.
11. Tohirjonovich, Arabboyev Qahramon. "THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE AND SPORTS IN STUDENT ACTIVITY AND LIFESTYLE." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 12.09 (2023): 58-63.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish  
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

12. Хамрақулов, Тулқин Тохирович. "РАЗВИТИЕ СИЛОВОЙ ВЫНОСЛИВОСТИ У СТУДЕНТОВ." INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE 2.7 (2023): 255-261.
13. Toxirjonovich, Xamraqulov To'lqin. "ANALYSIS OF ISSUES OF LEGAL ACTION FOR VIOLATION OF AGREEMENTS WITH ATHLETES IN UZBEKISTAN AND FOREIGN COUNTRIES." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.09 (2022): 175-178.